

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**



# **O‘ZBEK FILOLOGIYASINING TARAQQIYOT TAMOYILLARI**

**Ilmiy maqolalar to‘plami**

**Toshkent – 2019**

**“DAVLAT TILI” VA TIL TARAQQIYOTI MASALALARI**

<i>Х.Болтабоев.</i> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва ўзбек филологиясининг тараққиёт омиллари.....	3
<i>Altaz Ulvi BINNATOVA.</i> Azərbaycan – Özbək dillərinin müqayisəli öyrənilməsində Əmir Əlişir Nəvainin irsinin rolu (və Ə.Ə.Nəvai irsinin Bakı əlyazma nüsxələrinin təsviri).....	7
<i>М.Ескеева.</i> Түркітанудың өзекті мәселелері .....	15
<i>Е. Тожиєв.</i> Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг истиқболи ҳақида.....	20
<i>Қ. Йўлдошев.</i> Тил – ўзлик кўргони.....	24
<i>М.Абдиев.</i> Давлат тилига эътибор жамият ривожини белгилайди.....	29
<i>З.Холманова.</i> Ўзбек тили мавқеини ошириш омиллари .....	32
<i>О. Олтинбек.</i> “Она тилим, сен руҳимнинг қаноти...” (Рауф Парфи она тилимиз ҳақида) .....	35
<i>М.Абдураҳмонова, А. Раҳманова.</i> Parallel matnlar korpusining milliy til xususiyatlarini yoritishdagi ahamiyati.....	38
<i>Қ.Омонов.</i> “Дулбаржин” хаги ва унинг ўрта асрлар ёзув маданияти тарихидаги ўрни.....	41
<i>Г.Келдиёрова.</i> Тил – миллат, маънавият тимсоли.....	43
<i>Н.Умарова.</i> Давлат тилини ўрганиш – мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили. ....	45
<i>Н. Inog‘otova.</i> Davlat tilini o‘qitishda badiiy adabiyotning o‘rni.....	47
<b>NAZARIY VA AMALIY TILSHUNOSLIK MASALALARI</b>	
<i>Р. Сайфуллаева, М.Абузалова.</i> Нарратор баёнининг айрим қирралари хусусида.....	50
<i>М. Абдурахманова.</i> Дейктические единицы языка.....	52
<i>С. Нормаматов.</i> “Жадил”, “жадидчилик” атамалари талқинига доир.....	55
<i>А.Шегай.</i> Лингвистическая экспертиза текста.....	57
<i>Н.Юлдашева.</i> Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг асосий педагогик – психологик омиллари.....	59
<i>Д.Доспанова.</i> Культура речи как компонент языковой культуры будущего специалиста.....	61
<i>М.Тожибоев.</i> Бадий асарнинг поэтик таҳлилида сўзнинг маъно структураси ва бадий тил муносабатларини ўрганиш.....	62
<i>Н. Алабутдинова.</i> XX аср ўзбек тилшунослиги: морфемикага оид қарашлар.....	65
<i>Д.Хушназарова.</i> Заимствование как лексико-стилистический способ образования абстрактных существительных в разноразличных языках.....	68
<i>Н.Бекмухамедова.</i> Современная реклама в Узбекистане .....	70
<i>Sh.Sodiqova.</i> O‘zbek tilini xorijiy til sifatida o‘rganash masalalari.....	72
<i>С.Бозорова.</i> Нутқий компетенцияни шакллантиришда мақоллардан фойдаланиш.....	75
<i>М.Холмурадова.</i> “Қутадғу билиг” матнининг лингвистик қиймати.....	77
<i>М.Аҳмедова.</i> Инсон тафаккури –сўз қудратида.....	80
<i>U.Lafasov, G.Norqulova.</i> Uyg‘ur milliy taomlari haqida.....	82
<i>U. Lafasov, M.Foziliya.</i> Sharqning mashhur yozuv san‘atlari xususida.....	83
<i>Н.Қудратходжаева, Н.Гиясова.</i> Нутқий омонимия ҳақидаги қарашлар.....	85
<i>Б. Мумлюева.</i> Ўзбек ҳужжатларида мазмуний валисоний муносабат.....	87
<i>К.Алимова.</i> Цитология терминлари: тарихи, муаммолари, вазифалари.....	89
<i>Sh.Choriyev.</i> O‘zbek tilidagi tibbiy terminlarning o‘ziga xos xususiyatlari.....	91
<i>Н.Юланиова.</i> Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабат.....	94
<i>S.Isroilova.</i> “Ko‘k” leksemasining lingvokulturologik xususiyatlari.....	96

doğru ahlak" (турк тилида етти ўрида-ўққиз: *Bir baba dokuz oğlu bester, dokuz oğul bir babadokuz beşduşer*) мақоллада фарзандлар эътиборсизлиги танқид қилинган.

Мақоллар умумтақлим мактабларида "Алабийёт", академик лицейларда "Ҳозирги ўзбек адабий тили" курсининг "Барқарор бирикмалар" бўлимида, "Халқ оғзаки поэтик ва ёзма нутқини ривожлантиришга доир бир қатор топшириқларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Қўйида бу борадаги айрим тавсияларимизни бериб ўтамиз:

1. Дароликларда берилган мақолларни, албатта, ёд олдириш лозим. Бу, биринчидан, хотирани мустаҳкамлаша, иккинчидан мақолнинг ўқувчи-талаба онгида муҳрланишини, шу асосда мазмунни аниқлашини таъминлайди.

2. Ўқувчи-талабаларга мақолларни семантик жиҳатдан саралаш топширигини бериш керак. Бу топшириқ мақоллар мазмунинга ўқувчи-талаба эътиборини қаратади, мазмун-моҳиятни ўзлаштиришини таъминлайди.

3. Мақоллар таркибидан муайян лексик бирликлар танланиб, шу сўзнинг маъносини ва айнан қандай мақсадда қўлланилганини аниқлашга қаратилган вазифалар бериш лозим. Бу сўз маъноси, сўзлар таркибидagi фонетик ўзгаришларни билишга, мазмун ифодалашда сўзнинг ядро сифатидаги ўринини кўрсатишга хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек фольклори жанрларини, хусусан, мақолларни таҳлил қилишда тарихий матилардаги муқобиллари ҳамда ҳозирги қардош тиллардаги қўлланиш ҳолати билан қиёслаш ўқувчи билимини оширишга, мақол матни билан ҳаёт тажрибаси уйғуланиши аниқлашга хизмат қилади. Шахс ташқи кўриниши, белги-хусусиятини, парса-буюм тавсифини ифодаловчи мақоллар барқарор бирикмалар семантикасини ёритишда аҳамиятлидир.

Бугунги кунда китоб мутолааси долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Шу ўрида яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим: китобхонлик маданиятини шакллантириш талаб қилинади. Китобни ўқиш фақат унинг мазмунини тушуниш эмас, балки ундаги гомларни аниқлаш, ибрат олиш, хулоса чиқариш, дидактик мазмунни аниқлаш ҳам ифода этади. Матн мазмунинга эътибор бериш, уни талқин қилиш ўқувчи тафаккурини ривожлантиради. Айниқса, мақоллар таҳлили ҳаёт сабоқларини беради, ёшларда инсоний фазилатларни шакллантиришга, нутқ маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мақоллар мазмунини тушуштириб, уларни ёд олишга йўналтириш халқимизнинг минг асрлар қаъридан ҳозирга қадар етиб келган азалий урф-одат, кадриятларини ўзлаштиришга амалий ёрдам беради. Қардош халқлар адабий меросига қиёслаш эса билим доирасини кенгайтириш, ўзга маданиятларнинг тасвир ва тасаввур имкониятларини ёритишга хизмат қилади.

## **"ҚУТАДГУ БИЛИГ" МАТНИНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚИЙМАТИ**

*М.Холмурадова,  
ТошДЎТАУ ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

Таълим тизимининг такомиллашуви мутахассис-кадр тайёрлаш тараққиётини таъминлайди. Узлуксиз таълимга, кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талаблар асосида йўлга қўйишда нутқий компетенцияни шакллантириш муваффақиятлар омили ҳисобланади.

Оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштириш фан соҳалари асосларини талаб даражасида ўзлаштиришга, мустақил фикрига эга, етук тафаккур, юксак слоҳиятга эга бўлган авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Нутқий компетенцияга эришиш, оғзаки ва ёзма нутқни уйғун, ўзаро муносиб холда такомиллаштириш таълим жараёнининг таркибий қисмларидан биридир. Нутқий компетенцияни шакллантиришда турли инновацион методлардан, илғор технологиялардан, хориж тажрибасида синалган усуллардан фойдаланилмоқда. Шунга қарамай алоҳида таъкидлаш лозимки, оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштиришда миллий педагогик ютуқлар акс этган ёзма манбаларнинг алоҳида ўрни бор.

Ўзбек халқи бой маданий меросга эга. Мумтоз манбалар мутолаасида ёш авлод икки хил маънавий озуқа оладилар. Биринчидан, мумтоз адабиётнинг етук намуналарини ўқиб-ўрганиб, уларда ифодаланган илғор ғояларни англаш, ҳозирги кунга татбиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Иккинчидан, ёзма ёдгорликлардаги нутқ маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятларини такомиллаштиришда йўл-йўриқ бўла оладиган фикрлар ва ифодасини топган. Қуйида ана шундай асарлардан бири ҳақида тўхталамиз.

“Қутадғу билиг” нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётининг нодир намунасидир. Бу асар туркий тилда битилган илк бадий дoston ҳисобланади. Ушбу панднома X – XII асрларга оид луғат бойлиги жамланган манбадир. Шу билан бир қаторда мазкур дostonда нутқ маданияти, оғзаки нутқ, унинг хусусиятлари, ёзма нутқнинг фикрнинг ривожлантиришдаги ўрни ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

«Қутадғу билиг» шахс маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган дидактик манбадир. Юсуф Хос Ҳожиб асар сўз бошисида қуйидаги фикрларни айтган: “*Bu kitabi oqiyli bu baytlarni ta'lim qilish uchun qiziqarliroqdir*”, яъни “бу китобни ўқиган, бу байтларни ҳаммага маълум қилган – бу китобдан ҳам яхшироқ, азизроқдир”.<sup>18</sup>

«Қутадғу билиг» лексикаси муаллиф маҳорати, мавзу талабига кўра ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир тушунчаларни акс эттирувчи сўзларни қамраб олган. Асар лексикаси ўттиз икки мавзуй гуруҳни ўз ичига олади. Улардан энг фаол қўлланганлари қуйидагилар:

ижтимоий-сиёсий терминлар: мансаб ва лавозимни ифодаловчи терминлар (*ayūci, bitigci*); дипломатия терминлари (*elci, yumušci*); ҳарбий терминлар (*yatyaq, rusuy*); савдо-сотик терминлари (*satiy, ayūci*); тиббий терминлар (*mitridus, čurni*); антропонимлар (*Afrasiyab, Faridun*); озиқ-овқат ва ичимлик номлари (*lewāš, etmāk*). Ҳар бир семантик гуруҳ бир неча лексик-семантик гуруҳни ўз ичига олади. Масалан, антропонимлар пайғамбарлар номлари: *Muhammad (s.a.v.), Muso, Sulaymon, Iso, Nuh*; халифалар номлари: *Atiq, Faruq, Usman, Ali (Haydar)*; ҳукмдорлар номлари: *Afrasiyab, Zahhok*; асар қаҳрамонлари номлари: *Küntuydi, Aytoldi, Ögdülmiş, Odyurmish*; авлиёлар номи: *Luqman* кабилардан иборат.

«Қутадғу билиг»да турли мансабдор шахслар ва ижтимоий табақаларга мансуб шахсларнинг фазилатлари, улар эгаллаши лозим бўлган кўникма ва малакалар ҳақида сўз боради. Асарда акс этган меъерий талаблардан бири нутқий компетенциядир. “Қутадғу билиг”даги уқув сўзи компетенция терминига тенг келадиган маънони ифодалаган: *Uqušqa biligkä bu tilmač til, yaruttači erni yoriq tilni bil* – Уқувга, билимга тилмоч – бу тил, кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин (ҚБН, 158; 13а7). Тил орқали киши юксалади, қадр топади. Юсуф Хос Ҳожиб тилни уқув ва билимни юзага чиқарувчи омил сифатида баҳолайди, равон тилни инсонни рўшноликка чиқарувчи восита, деб билади.

<sup>18</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Ҳозирги ўзбек тилига таълим ютуқини К. Қаримов). –Т.: Фан, 1972. –Б.48.